



ИШОНСН


ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 3 октябр, чоршанба №155 (1169)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ — ВАТАН ФИДОЙИЛАРИ

Мустақил Ватанимизнинг ўз давлат мукофотлари, орден ва медаллари, фахрий унвонлари таъсис этилгани жуда катта маънавий-тарбиявий, ахлоқий аҳамиятга эга. Зеро, улар, Президентимиз Ислам Каримов таърифлаганидек, «халол ва бароқали меҳнат қилган, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган ҳар бир инсон учун олий ном, олий даража, олий қадриятдир».



Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 5 май куни бўлиб ўтган XV сессияси «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини белгилаш ва олий нишон — «Олтин Юлдуз» медалини таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилган эди. Худди шу кун Олий Кенгашнинг суверен ва мустақил Ўзбекистонни ташкил этиш, халқларвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлиқни таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримовга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисидаги Қарори қабул қилинди.

кон-металлургия комбинати «Восток» қони экскаваторчилар бригадаси бошлиғи Анатолий Панин, «Муборакгаз» қон бошқармаси оператори Бўрон Рўзиев, Бухородаги «Зардўз» акционерлик жамияти катта устаси Муяссар Темирова бор эди.

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлган бахтиёр инсонлар бугунги кунда 37 нафарга етди. Қаҳрамонлик унвони соҳибларининг — улар қурувчи ёки деҳқонми, зиёли ёки давлат арбоби ёхуд адибми, ҳаётда бир умумий ўшашлик бор: уларнинг барчаси Истиқлолимизнинг боқийлиги, юрт тинчлиги, Ватан таракқиёти, халқ фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган кишилардир. Қаҳрамонларимизнинг ўз соҳасида эришган улкан ютуқлари, катта ҳаётий тажрибалари, инсоний фазилатлари, тафаккур қудрати барча учун, аввало, камолга етаётган ёш авлод учун ҳаммаша ибрат ва намуна бўлиб хизмат қилади. Шу боисдан ҳам Ватани ва халқига фидойилик билан хизмат қилётган бундай табаррук инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти китобларга, фильмларга мавзу бўлмоқда.

Давлат матбуот кўмитасининг «Ўзбекистон» нашриёти ана шу хайрли ишга қўл уриб, мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон Қаҳрамонлари» деб номланган янги китобни кўп минг нусхада чоп этди. Тўпламда Ўзбекистоннинг дастлабки 32 нафар қаҳрамони ҳақидаги очерк ва лавҳалар жамланган. Китоб Давлат матбуот кўмитаси Ибн Сино, Фафур Фулом номидаги, «Ўқитувчи», «Ёзувчи», «Чўлпон» нашриётлари билан ҳамкорликда нашрга тайёрланди.

Китоб Ўзбекистон Республикасининг биринчи Қаҳрамони, давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг таржимайи ҳолига оид маълумотлар билан оचилди. Юртбошимизнинг мамлакатимизда амалга оширилган улкан ишлар, тарихий ўзгаришларнинг ташаббускори ва раҳнамоси эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади.

«Мухтасар қилиб айтганда, дейлади китобда, — Ислам Каримов Ўзбекистон давлати ва давлатчилигини барпо қилиш, демократик фуқаролик жамияти қуриш асосларини яратди, янги асрда мамлакатимиз таракқиётининг асосий йўналишларини ишлаб чиқди, юртимизнинг ёруғ истиқболи йўлида кўпмиллатли халқимизни бирлаштириб, уни улуг мақсадлар сари бошлаб бормоқда».

Китобдан ўрин олган очерк ва лавҳаларнинг муаллифлари таниқли адиблар ва журналистлардир. Улар ўз асарларида элим деб, юртим деб ёниб яшаётган фидойил инсонларнинг ёрқин сиймоларини яратишга муваффақ бўлганлар.

Китобнинг яна бир қимматли жиҳати шундаки, у ўқувчида қаҳрамонларимиз тўғрисида тира тасаввур ҳосил қилади, бир-бирдан қизиқарли ва ҳаяжонли лавҳаларга, тарихий далилларга ва қиёсий мисолларга бойлиги билан унда чуқур таассурот қолдиради. Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, Ватанимиз фидойилари — замонамизнинг чинакам қаҳрамонлари билан нафақат бевосита учрашувларда, балки ана шундай китоблар орқали мулоқотда ҳам ўзимизга катта маънавий озик, ижобий таъсир олишимиз шубҳасиз.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ ЙИГИЛИШИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2001 йил 1 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Миллий хавфсизлик Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлди.

Йиғилишнинг мамлакатимиз Президенти, Миллий хавфсизлик Кенгаши раиси Ислам Каримов бошқарди.

Йиғилишда Афғонистонда ақсилтеррор операцияси ўтказилиши муносабати билан юзага келган вазият, Ўзбекистон Республикаси, унинг давлат чегаралари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар кўриб чиқилди.

Муҳокама чоғида Афғонистонда юзага келган ҳарбий-сиёсий вазият Марказий Осиё минтақаси ва умуман, бутун дунёдаги хавфсизлик ва барқарорликка жиддий таҳдид солаётгани таъкидланди. Халқаро террорчилик ташкилотлари, уларнинг ортда турган қудратли экстремистик марказлар маъмур мақолати ҳудудда кўпорувчи террорчилик гуруҳлари тайёрловчи лагер ва базалар ташкил этган. Диний экстремизм ва ақидапарастлик мафкурасини тарқатиш, дунёнинг турли жойларида кўпорувчилик-террорчилик фаолиятини амалга ошириш, наркотикларнинг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва савдо-сотиғи кўламини кенгайтириш плацдармининг вужудга келиши тўғрисида муҳокама қилинган.

Террорчиларнинг асосий мақсади минтақа халқларини улар танлаган демократик дунёвий давлат қуриш йўлидан олдириш ва у ерда экстремизм, ақидапарастлик, диний муросасизлик мафкурасига асосланган тузум ўрнатилди.

Вашингтон ва Нью-Йоркдаги фожеали воқеалар, 1999-2000 йилларда Ўзбекистон ва Қирғизистонда террорчи жиноий гуруҳларнинг суқилиб кириши бу иллат дин ҳам, миллат ҳам танламаслиги, бутун инсониятнинг душман экани ва у билан қурашиш жаҳон ҳамжамиятининг муҳим вазифасига айланиши кераклигини яна бир бор тасдиқлади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон АҚШ ва барча тинчликсевар давлатларнинг йигирма биринчи аср вабоси бўлган бу иллатни тугатиш борасидаги қатъиятини кўлаб-қувватлайди ва террорчиларнинг Афғонистондаги база ва лагерларини йўқ қилиш учун ўз ҳиссасини қўшишга ҳамда шу мақсадда ўз ҳаво ҳудудларидан фойдаланиш учун имкон яратишга тайёр.

Ўзбекистон 20 йилдан ортиқ вақтдан бери биродарқушлик уруши азобини торттиб келаятган ҳамда нарқобизнес ва курул-яроғ савдосидан бойлётган халқаро террорчилик ва турли жиноий гуруҳларнинг узокни қўзлаган гоғларни асирга айланган жафоқаш афғон халқи билан бирдамлигини билдиради.

Йиғилишда давлат органлари ва тегишли тузилмаларнинг мамлакатимизда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги вазифалари белгиланди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА).

Миллий кураш

1991 йил мустақиллигимизнинг илк медалларидан бири сифатида ўзбек кураши бўйича ишлаб чиқилган янги қонун-қоидалар муҳокама этилиб, қабул қилинган ҳолда

миллий спорт туримизнинг жаҳон майдонига чиқиши учун замин яратилган. 1993 йили Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Президенти

соврини учун халқаро турнирнинг илк бор ташкил этилиши эса курашимизнинг ривожланиши ва халқаро миқдосга чиқишидаги дастлабки қадам бўлди. Шундан буён не-не кучли полонлар беллашувини мириқиб томоша қилмадик. Хусусан, Термиз шах-

рида бўлиб ўтган навбатдаги халқаро мусобақа ҳам ниҳоятда катта қизиқиш уйғотди. Унда республикамизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳри полонларидан ташқари, Туркманистон, Қозоғистон, Тожикистон, Арманистон ва Бразилиядан ташриф буюрган кураш усталари, жами 200 дан ортиқ спортчилар галаба учун баҳс юритишди.

Турнир арафасида ҳакамлар, қатнашчилар, журналистлар учун семинар ўтказилди. Унда сузга чиққан халқаро кураш ассоциациясининг Президенти Комилжон Юсупов юртимизда курашнинг ривожланиши, халқаро майдонга чиқиши, хорижий мамлакатларда миллий федерацияларнинг ташкил этилиши, умуман, унинг истиқболлари тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди. Мусобақа ҳакамлар ҳайъатининг раиси Муҳаммад Реза Насири (Эрон) эса кураш қонун-қоидаларининг янги мезонлари тўғрисида маълумот берди.

(Давоми 4-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИ ЭГАСИНИ ТОПДИ



ОМИЛКОРЛАР

Қорақалпоғистоннинг Конликўл туманидаги шолени қайта ишлашга ихтисослашган «Қорабойлигуруч» акциядорлик жамияти сўнги икки йилда содир бўлган сув тақчиллиги боис ўз фаолиятини тўхтатган эди. Жамоа раҳбарияти саъийи ҳаракатлари туфайли цехлардан бири қайта жиҳозланиб, соатига 2,5-3 тонна йодланган ош тузи тайёрлаш йўлга қўйилди. Атиги икки ойда таъмирланиб, ишга туширилган бу цехда 60 киши иш билан таъминланди.

Маҳсулот турли ҳажмларда қадоқланиб, савдога қарилмоқда.

(ЎЗА).

Бир вилоят янгиликлари

Чўпонларга махсус кийим бош

Конимех туманидаги «Сарибел» наслчилик ширкат ҳўжалиги маъмурияти, касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан ўрта ва кичик бизнес субъектларини ривожлантириш мақсадида «Уш-бас» кичик корхонаси ишга туширилди. Унда қорақўл тери ошлаш, тивув цехлари ишлаб турибди. Корхонада ҳадема 20 нафардан зиёд кишини иш билан таъминлаш имконияти туғилди. Терини ошлаш цехига 3.673548 сўмлик асбоб-ускуналар ўрнатилган. Тивув цехида эса айна шу кунларда иш қизиган кетмоқда. Чўпонларга қишки кийим — пахтали фуфайка ва шим тикилмоқда.

Сарибелликлар маданий-маиший, савдо шўҳбачалари қурилишига ҳам катта эътибор қаратишган. Гўшт дўқони, пойабзал устанонаси, сартарошхона, суратхона бинолари ҳамда бозор қурилиши жадал олиб боришмоқда. «Янгиозгон» фирмасига қарашли ёқилги қуйиш шўҳбачаси сайёҳларга беминнат хизмат кўрсатмоқда.

Маҳалла ҳисобига 24 миллион сўм

«Навоийгазтаъминот» шўъба корхонаси вилоятдаги маҳалла кўмиталари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйди. Бу икки томон учун катта фойда келтирилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида маҳаллалар кўмаги билан газдан қарадорлик 100 миллион сўмга камайtirилди. Уз навбатда газ пулининг ўз вақтида тўланишини таъминлаган маҳалла кўмиталари ҳисоб рақамига ўтган йили 24 миллион, шу йилнинг олти ойи мобайнида 8 миллион сўм рағбатлантириш пули ўтказилди.

Корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда ишловчиларни ижтимоий ҳимоялашга 1334 минг сўмлик махсус димон воситалари берилди. Ходимларга сут, дори-дармон ажратилмоқда. Тиббий қўриқдан ўтиш харажатлари корхона ҳисобидан. Хотин-қизлар учун иш соатлари қисқартирилди. Ишловчиларнинг уй-жойга бўлган талаби касаба уюшма кўмитаси томонидан ўрганиб чиқилиб, 4та оилага янги уйларнинг калити топширилди.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

Меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қонунлар асосида вилоят касаба уюшмалари Кенгаши бошланғич ташкилотларнинг етакчилари билан ҳамкорлик қилиб келаяпти.

Бу борада айниқса таълим ва фан, агросаноат, тиббиёт ходимлари касаба уюшма кўмиталари, ёқилги-энергетика, алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма кўмиталари меҳнат тўғрисидаги қонунлар устуворлигини таъминлашда меҳнатқашларнинг асосий таянчига айланган. Бироқ гуруч қурмакисиз бўлмаганидек, айрим ҳолларда меҳнат қонунлари бузилишига йўл қўйилмоқда.

Масалан, ҳуқуқ инспекцияси томонидан судларга 9 та даъво аризаси киритилиб, уларнинг барчаси қаноатлантирилди. Чунончи

Наманган шаҳридаги муҳандислик иқтисодиёт институту ўқитувчиси С.Ашуров, Учқўрғон туманидаги Улуғбек номили ширкат хўжалиги аъзоси О.Охунов, «Наманганкабель» заводи ишчиси Д.Қамолова, Поп туман Уйғур қишлоқ фуқаролар йиғини ходимаси Ш.Усмоновлар ҳақ-ҳуқуқи чекланганлиги ҳақида меҳнат ҳуқуқ инспекторларига мурожаат қилишганди. Улар манфаатини

Касаба уюшма аралашуви билан

ҳимоя қилиш юзасидан мадаги мажбурият бажарилган даъво судга берилган даъво рилмаганлиги боис, ка-

рида меҳнат қонунчилигини бузган 10 дан ортиқ корхона раҳбарига жарима солинди. Шунингдек, 30 дан ортиқ иш берувчиларга маъмурий чоралар қўрилди. Айниқса, иш ҳақи тўловларини кечиктирган, ишчини ноқонуний ишдан бўшатган раҳбарлар катта миқдорда жарима тўлашга мажбур бўлди.

Касаба уюшма етакчилари бундан буён ҳам меҳнатқашлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилувчи асосий таянч бўлишига шубҳа йўқ.

рида меҳнат қонунчилигини бузган 10 дан ортиқ корхона раҳбарига жарима солинди. Шунингдек, 30 дан ортиқ иш берувчиларга маъмурий чоралар қўрилди. Айниқса, иш ҳақи тўловларини кечиктирган, ишчини ноқонуний ишдан бўшатган раҳбарлар катта миқдорда жарима тўлашга мажбур бўлди.

Касаба уюшма етакчилари бундан буён ҳам меҳнатқашлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилувчи асосий таянч бўлишига шубҳа йўқ.

Ғофиржон КАРИМОВ, Наманган вилоят касаба уюшмалари Кенгаши меҳнат ҳуқуқи номили.

ДАЪВО АРИЗАСИ ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ

аризалари тўла қаноатлантирилиб, ишга тикландилар. Вилоят «Тез тиббий илмий ёрдам маркази» ходими Н.Дадабоева эса ноқонуний вақтинча бошқа ишга ўтказилганида ололмаган бир йиллик иш ҳақи суд орқали ундириб берилди.

«Наманган-Телеком» хиссадорлик жамиятининг жамоа шартномасида ходимларга моддий ёрдам берилиши қатъий белгиланган. Бироқ зим-

Ўзбекистон-Испания: ҳамкорлик қирралари



ТУНГИ СМЕНАДА КАЙФИЯТ ҚАЛАЙ?

Мазкур корхона қарийб бир асрлик тарихга эга. Илк бор ана шу жамоа кўмагида воҳа энгил са- ноатига тамал тоши қўйилган эди. Эндиликда бундай корхоналар сони бир нечта. Испания билан ҳамкорликда бунёд этилган «Сарбонтекст» қўшма корхонасига ҳам завод ўз бағридан жой ажратиб берди. Юз нафардан ортиқ кишини иш билан таъминлаб кел- аётган янги мажмуанинг иккинчи навбати ишга ту- ширилиш арафасида.



Биз нотўқима мато иш- лаб чиқариш цехида кор- хона раҳбари Рўзибой Мирзаев билан суҳбат- лашдик. — Янги иш ўринлари яратиш, ўзимиздаги тай- ёр маҳсулотни қайта иш- лаш мақсадида ана шу цехни ташкил этгандик, - дейди у. - Тайёр маҳсу- лотимизга талаб катта. Энг муҳими, омбор учун ишламаямиз. Тунги сме- нада ишлаётганлар учун бир миллион сўмдан ош- иқ қўшимча ҳақ тўла- диқ. 1 миллион 300 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Бун- дан ташқари, маҳсулот тайёрлашда юқори нати- жаларга эришган ишчи- ларга ҳар ойда маошининг 20 фоизи миқдори- да мукофот беришни жо- рий этганмиз.

Цехда пахта чикити ва энг паст навлардан бўз ва бошқа маҳсулотлар тай- ёрланмоқда. Биз ҳикоя қилаётган Гулистон пахта тозалаш заводида ишчи- ларга яратилган шароит билан танишиб, улар билан мулоқотда бўлдик. **Фулол УМИРОВ, цех бошлиғи:** — Бундан беш йил ил- гари цехимизга асос со- линганди. Дастлабки фа- олиятимизданоқ ишчи-

ларга шароит яратишга эътибор қаратдик. Энг ав- вало, техника хавфсизли- ги қоидаларига тўла амал қилишга ҳаракат қилдик. Ҳар кун иш бошладан олдин меҳнат муҳофазаси- га доир машғулот ўткази- лади. Шу боисдан бўлса керак, ўтган йиллар даво- мида бирор маротаба ҳам бахтсиз ҳодиса қайд этил- мади. Техника хавфсизли- ги, меҳнат муҳофазаси учун маблагни сира аямаямиз. Иш ўринлари шинам, озо- да. Бир йилда икки маро- таба ишчиларни иш кийи- ми билан таъминлаймиз. **Роза МАМАЖОНОВА, касабга уюшма кўмитаси раиси:** — Маъмурият билан жа- моа шартномаси асосида ҳамкорлик қилиб келаямиз. Ишчи-хизматчиларга икки маҳал бепул иссиқ ов-

юз минг сўмдан ош- иқ моддий ёрдам кўрсати- лди. Ободончилик ишла- рида 1 миллион 370 минг сўмлик маблаг сарфлан- ди. Кам таъминланган, кўп болали оилалар дои- мий диққат марказимиз- да турибди.

Одина НАСРИДИНОВА, ишчи: — Менга маъқул кел- ган корхонамизнинг нафа- қат ўзимиз, балки фар- зандаларимизга кўрсата- ётган меҳрибонлиги. Ма- салан, маъмурият яқинда болаларимиз соғлигини муҳофаза этиш мақсади- да 2 миллион сўмлик маблаг ўтказиб берди. Биз, ота-оналар барча тўловлардан овоз қилин- ганмиз. Бундан ташқари, уч ёшгача фарзандлари бор оналарга қисқарти- рилган иш соатлари жо- рий этилган. Меҳрибон- ликка жавобан янада фа- ороқ ишлашга ҳаракат қилаймиз. **Алишер ОЛИМОВ, смена устаси:** Тўй-ҳашам ва турли маъракаларни ўтказишда ҳам моддий, ҳам маъна- вий мадад олиб туриб- миз. Бошга иш тушган- да жамоа қадрини, улар мададини ҳис этаркан- сан. Дўст мушқул кезлар- да билинади, дея шунга айтсалар керак-да. Беш юз нафардан зиёд жисмоний ва ҳуқуқий шах- слардан иборат доимий миҳозга эгамиз. Таъми- нотда узилшларга йўл қўйилмайди. Калавалан- ган ипни Тошкентдан олиб турибмиз. Завод ҳовлиси бугун- ги кунда улкан қурилиш майдонини эслатади. Бир ёнда «Сарбонтекст»- нинг янги бинолари қад- ростлаётган бўлса, бир ёнда пайпоқ тўқиш фаб- рикасида ишлар авжида. Нотўқима мато ишлаб чи- қариш цехи жамоаси ҳам бу баҳсда ортда қолмас- лика интиломқда. Назаримизда, Сирдарё энгил республикамиздаги турли сихатгоҳларда саломатли- кларини тиклаб қайтишди. Корхонада ишлаб нафақа- га чиққан кекса ишчиларга қат берилди. Фарзандла- римизни ўз оромгоҳимиз- да соғломлаштириш имко- ниятига эгамиз. Бу йил 300 нафар бола дам олдирил- ди. Ўндан ортиқ ишчилар республикамиздаги турли сихатгоҳларда саломатли- кларини тиклаб қайтишди. Корхонада ишлаб нафақа- га чиққан кекса ишчиларга қат берилди. Фарзандла- римизни ўз оромгоҳимиз- да соғломлаштириш имко- ниятига эгамиз.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» муҳбири.



ҚЎШ ХАБАР

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан Андижон шаҳридаги Бобур номи театрида «Оилавий ансамбллар» танлови ўтказилди. Фаргона, Андижон, Наманган вилоятлари- дан келган учта оилавий ансамбл иштирок этди. Улар замонавий, фолк- лор, мақом ва рақс жан- рлари бўйича ўзаро беллашдилар. Танловда андижонлик Достон Фафоров раҳ- барлигидаги «Гулноза» ашула ва рақс дастаси биринчи ўринни эгалла- ди.

Олтинкўл туманида яқинда иккита объект қурилиб фойдаланишга топширилди. Улардан бири «Сув юлдуз» кўп тармоқли фермер хўжа- лиғи бошлиғи Ҳабибулло Маҳсумов ўз ҳисоби- дан қурган 300 ўринли мактаб биносидир. Бу эса «Чақон» маҳалла- си ёшларига ажойиб туффа бўлди. Қўшни «Маслаҳат» кишлоғида 70 ўринли кишлоқ врачлик пункти- га маҳаллий бюджетдан 79 миллион сўм ажратилди. Шифо маскани аҳолига намунали хиз- мат кўрсатмоқда.

З.ШАХОБИДДИНОВ, «Ишонч» муҳбири.

Андижон вилоят касабга уюшмалари Кен- гашига Андижон шаҳар, Янгитурмуш кўча 55-уйда яшовчи Матлубохон Қосимовдан хат келди. Унда баён қилинишича, умрдо- ши Абдуҳаким Қосимов касб-ҳунар лицейи- да ишлаган. Иختисоси қурувчи уста. Бир кўргилиги ўзини ҳам, оила аъзоларини ҳам мушқул аҳволга солиб қўйибди... Воқеа бундай бўлганди.

Энгил саноат касб- ҳунар политехникуми директори Раҳмонали Шукуров кунларнинг бирида Абдуҳакимни учратиб, ўқув биноси деворларини таъмир- лаб беришни сўради. Уша вақтда асосий иш жойидан меҳнат таъти- лига чиққан қурувчи тақлифга рози бўлди. Ёнига ҳамкасби А.Хол- матовни олиб, иш бош- лади. Иш берувчи ва ишловчи ўртасида гар- чи шартнома тузилма- ган, иш миқдори билан меҳнат ҳақи тўрисида озгача келишиб олин- ган бўлса ҳам, бари- бир, иш берувчи хавф- сизлик талабларига тўла жавоб берадиган меҳнат шароитини яра- тиши керак эди. Зеро, бу бевосита иш берув- чининг мажбуриятига кирди. Бирок, Р.Шуку- ров қонун талабига риоя қилмаган, қурув- чиларни ўз ҳолига таш- лаб қўйган. Эътиборсизлик, ўзи- бўларчилик оқибатида шоти ағдарилиб, у бил- лан бирга иккинчи қават баландлигидан

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

билан олишяпти. Нои- лождикдан ёрдам сўраб политехникум дирек- торига учрасам, у ёрдам беролмаслигини айтди. Раҳмонали Шукуров- нинг таъкидлашича, у қурувчини ишга ёллаб,

лашга рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равиш- да расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилма- ганлигини қатъий на- зар, иш бошлаган кун- дан эътиборан меҳнат

ёки унга риоя этмаслик қимматга тушади. Ана энди иш берувчи Р.Шу- дуров ҳам афсус чекиб ўтирибди. Сабаби, энди у қоидага мувофиқ энг кам иш ҳақининг 4 бара- вари миқдорида жарима

симовга бир йўла 41 минг 160 сўм товон пули тўлаши шарт. Да- воланишга ўзи ва куза- тувчининг йўл хаража- ти эса 56 минг сўмни ташкил этган. Булар- дан ташқари, жабрлан- увчи махсус тиббий даволанишга муҳтож бўлганда, унинг қаров- чисига энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида ҳақ тўлани- ши зарур. Бу тўлов жабрланувчи санато- рийда даволанишга эҳтиёж сезганида ҳам қўлланилади. Бу ҳақи ҳаммаси эмас: муасса- са раҳбарияти А.Қоси- мовга етказилган меҳ- нат жароҳати туфайли агар у талаб қилса ва розилик берса, вақ- тинча энгилроқ ишга тайинланши, иш ҳақи касб бўйича меҳнатга лаёқати тиклангунга қадар ёки меҳнатга ла- ёқатсизлиги аниқлан- гунга қадар аввалги иш ҳақидан кам бўлма- ган миқдорда тўлаб бо- рилиши лозим. Касабга уюшма мута- хассисларининг қатъи- ятлиги туфайли адолат қарор топди. Фақат жабрланувчи эмас, унинг бутун бошли оиласи тегишли мадад пулини олди. **М.АБДУКАРИМОВ, «Ишонч» муҳбири.**

...МЕҲНАТ ҚОБИЛИЯТИНИ ЙЎҚОТДИ

устабдуҳаким ҳам учиб тушди. Директорнинг лоқайдлиги шу ерда ана бир бор панд берди. У оғир аҳволда бўлган ус- тани кўриб, «ҳеч нарса бўлмади, тузалиб кета- ди», деди-ю, ўз иши билан бўлиб кетди. Бошқа- лар «Тез ёрдам» чақи- риб, қурувчини уйига жўнатди. — Кўп ўтмай умрдо- шим оғирлашиб, ўзини билмай қолди, - дея таъ- кидланади М.Қосимова йўллаган шикоят хатида. - Шошилиш равишда марказий шифохонага олиб бордик. Дўхтирлар хўжайинимнинг сон сук- лари: шикастлангани, юрак ва буйрағи ҳам лат- еганини айтишди. Шу аллоҳда у бир ойдан кўпроқ вақт кийнаиб ётди. Дори-дармонга боримизни сарфладик. Ҳозир умрдошим уйда бўлса-да, ҳамон дард

шартномаси тузилган ҳисобланади». Демак, шунга кўра, А.Қосимов ва А.Холма- товлар келишувдаги иш- лар бажарилиб бўлган- га қадар Андижон энгил саноат политехникуми- нинг ишчилари ҳисоб- ланганлар. Қолаверса, жамоа раҳбарияти бах- тсиз ҳодиса юз берган- лиги ҳақида далолатно- ма тузиши, ҳодиса тўрисида тегишли идо- раларга хабар бериши керак эди. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилда қабул қилинган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлиги- нинг бошқа хил зарар- ланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғриси- да»ги Низомнинг 1- бўлим, 8-бандида бу та- лаб раънан баён этиб қўйилган. Қонунни билмаслик

тўлаши керак. Шу ўрин- да ана бир масалага эътиборни қаратиш жоиз: Вазирлар Маҳка- масининг 1994 йилдаги 48-сонли қарориди кўрса- тилишича, ходимларга уларнинг меҳнат вази- фани бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатла- ниш, касб касаликларини чағилиниши ёки сало- матлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарар иш бе- рувчилар томонидан тўла- ниши лозим. Уста Абдуҳаким Анди- жон политехникумида ишлаб турган чоғида жиддий шикастланиб, меҳнат қобилиятини йўқотди. Тиббий меҳнат экспертиза комиссияси берган муваққат ҳулоса- да унинг ишга яроқсиз- лик мuddати 2002 йил 1 февралгача, деб қўрса- тилган. Демак, политех- ника маъмурияти А.Қо-

ДЕҲҚОН КЎНГЛИ ЧОҒ

- дейди хўжалик касабга уюшма кўмитаси раиси Санобар РАҲИМОВА

Яккабоғ туманидаги «Якка- боғ» боғдорчилик-узумчилик ширкат хўжалиги боғбонлари тадбиркорликни кенг жорий қилганликлари боис белгилан- ган режаларни ошириб бажа- ришмоқда. Натижада ҳам хўжа- ликнинг, ҳам боғбонларнинг иқтисодий аҳволи яхшиланаяпти. Яқинда улар ажойиб меҳнат галабасига эришишди. Боғ ва узумзордан давлатга 150 миллион сўмлик маҳсулот сотилиб, шартномавий режа бажарилди. — Муваффақиятларнинг оми- ли, - дейди касабқўм раиси, — далада меҳнат қилаётганлар- га барча шарт-шароитларнинг яратилишидир. Хўжалик раҳба- рияти иш ҳақини ўз вақтида бе- раётди. Ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 20 минг сўмга тўри келмоқда. Даромадимизнинг 25 фоизи

аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш- га йўналтирилган. Ўтган йили Мевазор кишлоқ аҳолиси тўлиқ «зангори олов» билан таъминланиб, тоза ичимлик суви ҳар бир кўча ва гузарга келтирилди. Жорий йил даромади ҳисо- бидан Каттабоғ кишлоқ хона- донларини табиий газ билан таъминлаш учун қувурлар кел- тилиб, ишлар бошлаб юб- рилди. Яқинда 20 дан ортиқ ёш оилага уй-жой қуриб олиш учун ер ажратилиб, хўжалик ҳисобидан арзонлаштирилган қурилиш материаллари тарқа- тилди. Бундан ташқари, шу ерда иккита мактаб ҳам хўжа- лик оталиғида. Кам таъминлан- ган оилаларнинг фарзандлари- га 250 минг сўмлик ўқув қўллан- малари ва дарсликлар олиб бе-

ридли. 17 нафар ишчи санато- рий-профилакторийларда со-ғлигини тиклади. Иқтисодийни мустақамлаш- да ва одамлар манфаатдорли- гини оширишда баҳоли қудрат ҳисса қўшаётган 9 нафар бош ижарачига телевизор, 7 оила пудратчисига эса гилам муко- фот сифатида совға қилинди. Касабқўм раиси ҳақ гапни айтди. Яхши ишлаган киши яхши яшашни ҳам билади. Жамоа аъзоларининг жорий йил ҳосилидан умидлари кат- та. Хомчўлларга яна гектарлаб янги боғлар барпо этиш, меҳ- наткашлар фаровонлигини яна- да оширишда муҳим омил бўлади.

Х. ТўРАЕВ.

Касабга уюшма жонкуярлари

Янглиш Шайсоқова раислик қилаётган «Фо- риш» ширкат хўжалиги касабга уюшма кўми- таси 320 нафар аъзони ўз атрофида бирлаш- тирган. Бошланғич ташкилот мавқеи ва ўрни тобора ортиб бормоқда. Хўжалик кейинги йилларда яхшигина ютуқларга эришаётди.

жамоаси жорий йил- да 16853 минг сўм фойда олишни режа- лаштирган. Олинган фойданинг 60 фоизи дивидент сифатида тўланиши, 5 фоизи эса маданий-маиший тадбирларга сарфла- ниши жамоа шартно- масида ўз аксини топган. Ушбу ҳужжатда кўрсатилганидек, хўжаликда ишбай ҳақ тўланадиган ходим- ларга 25 фоиз, вақт- бай ҳақ тўланадиган- ларга эса 30 фоиз қўшимча тўланмоқда. Иш ҳақлари ўз вақти- да берилишича эри- шилаяпти. Ўтган йили моддий рағбат учун 1 миллион 100 минг сўм маблаг сарфлан- ди. Ўн беш йилдан бери касабга уюшма кўми- тасига раҳбарлик қилиб келатган Я.Шайсоқованинг иш режасидан ишловчи- лар ва уларнинг оилалари турмуш да- ражасини ошириш, хайрли ишлар кўлами- ни янада кенгайти- риш, айниқса кам таъминланган, ёлғиз- лар, меҳнат ва уруш фахрийларига кўрса- тилажак ёрдамга оид тадбирлар кўпроқ ўрин олаётгани қув- нарлидир.

ИРОДА

Биргина ўтган йили хўжалик қоракўлчи- ликдан мўмай даро- мад олди. Ўш етиш тириш 51 тоннага кўпайди, 56,3 тонна жун, 14,8 тонна пил- ла топширилиб, бу борадаги режа ортиғи билан адо этилди. ...Касабқўм раиси ана шулар ҳақида ўйлар экан, бугунги умумий йиғилишда сўз олиб, ечимини ку- таётган масалалар ҳусусида гапиришни кўнглига туғиб қўйди. Дарҳақиқат, меҳнат кишини ижтимоий иқтисодий, ҳуқуқий ҳижатдан ҳимоялаш, улар оила аъзолари- нинг саломатлигини мустаҳкамлашда ан- чагина муаммолар тўпланиб қолган. Уларнинг ечими хўжа- ликнинг иқтисодий аҳволига бориб тақала- ди. Йиғилишдан сўнг касабга уюшма- си хўжалик маъмури- яти билан биргалик- да тадбирлар белги- лаб, ишни қатъий режа асосида ташкил

этишга киришди. Жум- ладан, оилавий пудрат- ни жорий этиш, ҳисоб- китобни чек усулида юритиш ўзининг яхши самарасини бермоқда. Фаллачилик, бедачи- лик, кўйчилик ва йилқ- ичиликда банд бўлган- ларнинг ҳар бири чек дафтарчасига эга. Ли- мит асосида харажат- лар ҳисоб-китоб қили- нади ва даромадлар алоҳида очилган ҳисоб варақаларида қайд этиб борилади. Касабқўм аъзола- рининг ҳар бири зим- масига қобилиятига яраша аниқ вазифа юк- латилган.

— Касабга уюшма кўмитаси менинг энг яхши маслаҳатчим, су- янчигим, - дейди 4- бўлим бош чўпони Саттор Рўзиев. - Жа- моа шартномаси бажа-рилиши кўриб чиқилган йиғилишда мен ҳам қатнашдим. Я.Шайсо- қованинг олиб-югури- ши туфайли меҳнатни муҳофаза қилиш дои- мий этиборда. «Фориш» хўжалиги

А.АЗИМОВ, «Ишонч» муҳбири.

ЗАМОНГА ХОС, ДАВРГА МОС

Пайарик туман «Дарвишиқ» киш- лоқ фуқаролар йи- гинига қарашли кишлоқлар тоза ичимлик суви ва газ билан тўлик таъминланган. Худудда 3 та мак- таб, 18 та дўкон ва 43 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда.

Маҳалланг — отанг, онанг

Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш бу ерда ай- ниқса яхши йўлга қўйилган. Жумла- дан, 25 та боқувчи- сини йўқотган оила диққат-эътиборда. Шунингдек, туман Меҳнат бандлик идо- раси билан мустаҳ- кам ҳамкорлик нати- жаси ўлароқ, жорий йилда 20 нафар киши иш билан таъ- минланди. Кишлоқ- ларда ободонлашти- риш ва кўкаламзор- лаштириш ишларини амалга ошириш из- чил бормоқда. 2 ёш- гача болалари бор 115 нафар кишига, 16 ёшгача болалари бор, кам даромадли оилалардан 225 на- фарига нафақалар ўз вақтида тарқа- тилмоқда. — Тўй-маросим- ларни ихчам ўтка- зиш кенг тарғиб қилинмоқда, — дей- ди фуқаролар йиғи- ни раиси Саврон Ну- римов. — Ҳозирги кунгача 30 дан зиёд хонадонда спиртли ич имликлар сиз тўйлар ўтказдик. Бо- шқа маросимларни ҳам илжои борича ихчамлаштириш чо- раларини кўраямиз. Бундан барча хур- санд. Фуқаролар йиғи- нининг келгусидаги ниятлари катта. Кишлоқларда тад- биркорлик, фермер- ликни янада ривож- лантириш режалаш- тирилган. Маҳалла- ларни кўркам мас- канларга айланти- риш учун фаол иш олиб бориляпти. **Ортиқ САИДОВ, «Ишонч» муҳбири.**

«Буюк хизматлари учун» ордени соҳиблари

«Мен 1878 йилда Ғиждувон туманига қарашли Соқтаре қишлоғида деҳқон оиласида туғилдим. Отанинг икки таноб ери бўлиб, ундан олинган ҳосил оиламизни тўғизга олмасди. Бинобарин, отам оилани кийим-кечаги учун тўқувчилик билан шуғулланар ва тегирмон чархи ясаб, сотар эди. Отам мадрасада оз ўқиган бўлса ҳам, лекин у адабиёт билан ҳийлагина шуғулланганди...».

УСТОД АЙНИЙ

Устод Айнийнинг «Қискача тархимаи ҳолим» асаридан олинган ушбу парчанинг ўзиёқ унинг ёшиқ йиллари осон кечмаганлигини билдиради. Ун бери ёшида отаси, қирқ кундан кейин эса онаси вабога чалиниб, дунёдан кўз юмди. Энди рўзгор ташвишлари ёш Садриддиннинг зиммасига тушганди. Қаҳри қаттиқ желган киши раҳматли онаси жамғариб қўйган тутмайиз ва қурут билан бир амаллаб ўтказди. Қўқламдан бошлаб эса ўзини деҳқончиликда сиёнаб кўрди. Оила рўзгорига етиб, ортиб қоладиган даражада ҳосил етиштиргачина, пада-ри-бузрук в орининг «Агар сен астойдил ҳаракат қилсанг ва кўп ўқисанг, шоир бўласан» деган васияти бўйича ҳаракатга тушди. У укаларини эса бувисиникига олиб бориб қўйди. Бухоро шаҳридаги Мир Араб мадрасасига ўқишга кирди. Акиси — Муҳиддинхўжа ҳам шу ерда имомлик қилар, унинг топган даромадига эса икки кишининг қорнини тўйдириб бўлмасди. Бунинг ҳам йўли топилди: у акасининг кичик домласи — Мулла Абдусалом ҳамтовокларига ошпазлик қилди. Унинг вазифаси ҳар куни улфатлардан бириникида тушлик тайёрлар, хужраларини супуриб-сидирар, дам олиш кунлари эса уларнинг қиларини ювиб берарди. Унинг меҳнат ҳақи пиширган овқатдан тановул қилишдан иборат эди, холос. Эрталаб ва кечқурун эса акаси хужрасида икковлон чой ичишарди. Садриддин тақдирнинг бу қийинчиликларидан нолимади. Чунки энг олий орзуси амалга ошган, ўқишга кириб, отаси васиятини амалга ошира бошлаганди. Муллалик йилларини аллоمانинг ўзи қўйидагича изоҳлайди: — «Уша ёз давомида мен кўпроқ адабиёт би-



Архив

ри «Доҳунда», «Қуллар», «Етим» ҳам китобхонлар томонидан юқори баҳоланди. Аллома икки тилда бирдек ижод этар экан, ўтмишда тожик ва ўзбек адабий жараёнида унча ривож топмаган бадиий прозага катта эътибор берди. Шунингдек, Айний «Тожик адабиёти намунаси» китобини тайёрлаб, тожик классик адабиёти минг йиллик тарихидан гулдаста армуғон этди.

Устод Айнийнинг айниқса «Қуллар» романи шухрат топди. Чунки, унинг бош қаҳрамони тарихни ҳаракатга келтирувчи куч — меҳнаткаш халқ фарзандлари эди. Асар ана шу халқ тарихини, унинг ҳаёти ва курашини, машаққати ва фаровон турмушга интилишини бадиий бўёқларда ёрқин акс эттирганди. Адибнинг машҳур асарларидан яна бири «Судхўрнинг ўлими» повести ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бош қаҳрамон — Қори Ишқамба судхўр, ўтакетган ҳасис ва товламачи. У ҳаромтовоқ — қаердан ис чиқса, ўша ерда ҳозир нозир. Тип даражасига кўтарилган бу образ орқали С.Айний ўз замонасининг кирдикорларини очиб ташлайди.

Аллома халқ қаҳрамонлиги тарихини ўрганиб, «Муҳанна кўзғолони», «Темур Малик» каби илмий-бадиий кўзгалар яратди. Халқнинг истилочиларга қарши мардонвор курашини моҳирлик ва фахр билан тасвирлайди. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, устод Айний ўзбек ва тожик адабиёти, маданиятини юксакликга кўтариш билан икки халқ ўртасидаги дўстлик, биродарлик, ҳамкорликни янада ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган ижодкордир. У Тожикистон Фанлар академиясининг Президенти, Ўзбекистон Фанлар академиясининг фахрий аъзоси, ЎзДУ (ҳозирги СамДУ) профессори сифатида ҳам катта ишлар олиб борди. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Фармони билан Садриддин Айний «Буюк хизматлари учун» орденига мушарраф этилгани барча барчани ғоятда қувонтирди. Бу буюк ижодкорга билдирилган буюк эҳтиромдир!

Абдунаби МАННОВ.

САВОЛ: шифохонадаги мен ишлаётган бўлим хоналари таъмирланиши муносабати билан ходимлар ишсиз қолишди. Бундай ҳолатда қандай чоралар кўрилиши мумкинлиги тўғрисида тушунтириш берсангиз.

Х.АЛИЕВА, Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: бундай ҳолатлар соғлиқни сақлаш ва бошқа муассасаларда ҳам учраб туради. Масалан, турғуналарда хоналарни гигиеник жиҳатдан тартибга келтириш даврида ходимлар ишсиз қолишади. Меҳнат Кодексининг 117-моддасига асосан иш берувчи ходимлар меҳнатини ташкил қилиши, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, меҳнат шартномасида назарда тутилган шароитларни яратиши, ишлаб чиқариш интизомини таъминлаши, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилиши, ходимларнинг эҳтиёж ва талабларига эътибор билан қараши шарт. Демак, иш берувчи ходимлар ҳар қандай ҳолатда ҳам иш билан таъминлаши лозим. Меҳнат Кодексининг 95- ва 159-моддаларига мувофиқ ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолишини муносабати билан иш берувчи томонидан ходимни вақтинча бошқа ишга унинг розилигисиз ўтказишга йўл қўйилади. Ходим вақтинча бошқа ишга ўтказилганда албатта унинг соғлиғига аҳамият берилади. Агар тиббий ҳулофаси мувофиқ бу иш ходимнинг соғлиғига тўғри келмаса, унга бошқа иш берилади. Бу

Ҳуқуқий маслаҳатхона

ХОДИМЛАР ВАҚТИНЧА ИШСИЗ ҚОЛГАНДА

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

даврдан ходимга ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўланади. Агар ходим бажарган иши учун ўртача иш ҳақидан юқорироқ ҳақ тўланиши лозим бўлса, у ўзгарисиз тўланади. Меҳнат Кодексининг 35-моддаси талабларига кўра корхоналарда, уларнинг юридик шахс ҳуқуқи берилган таркибий бўлинмаларида жамоа шартномалари тузилади ва унда ходимни вақтинча бошқа ишга ўтказишнинг мuddати ва ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар рўйхати кўрсатилади. Мабодо, жамоа шартномаси тузилмаган бўлса, бошқа ишга ўтказишнинг мuddати ҳамда ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар иш берувчи томонидан касаба уюшма кўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланади. Иш берувчи томонидан ходим бекор туриб қолганда иш билан таъминланмаса, унга барча бекор турган вақти учун ўртача иш ҳақи тўланади. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий кўмитасига келатган мурожаатлардан маълумки, ходим бекор туриб қолганда иш берувчи уни иш ҳақи сақланмайдиган таътилга чи-


ДОЛЗАРБ АНЖУМАН

Тошкент автомото-бил-йўллар институтида ўтказилган республика илмий-амалий конференцияси мамлакатимиз автомобил-йўл мажмуини ривожлантириш муаммоларига бағишланди.

Унда ўқув жараёнини автотранспорт мажмуи билан уйғунлаштириш, мамлакатимиз автомобил-созлик саноати учун кадрлар тайёрлаш масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, олий ўқув юрталари ва Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли илмий-тадқиқот институтларининг олий таълим ҳамда бевосита ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этишдаги ҳамкорлигини ривожлантиришга эътибор қаратилди. (ЎЗА).



Мамлакатимизда полиэтилен газ ва сув қувурларига эҳтиёж катта. Яқинда Жиззах шаҳрида иш бошлаган «Жиззах ЛРС пласт» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси бундай талабни тўла қондиради, дейиш мумкин. Чунки у ҳозирги кунгача 80 тонна сифатли труба маҳсулотларини ишлаб чиқариб, харидорларнинг ишончини оқлади.



Айни дамда бу ерда 50 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар. Б.ТўРАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

OLAMDA

АХБОРОТ УЧУН ИМТИЁЗЛИ ВИЗА

АҚШ Президенти Жорж Буш янги Қонунга имзо чекди. Унга мувофиқ, маълум шахсдорларга имтиёзли виза-лар тақдим этилади. Бунинг учун улар АҚШ ҳукуматини жинойий гуруҳлар ҳамда террорчи ташкилотлар тўғрисидаги ахборотлар билан таъминлашлари керак бўлади. Бир йилда 250 та ана шундай виза чиқарилади. Ушбу виза эгаси маълум мuddат давомида АҚШда яшаш ҳуқуқини олади. Ҳукумат вакилларининг айтишича, мазкур чора 11 сентябрдаги террорчилик вақтини тўғри келтиришда қўл келади.

ШАҲАР ҚАЙТА ҚУРИЛДИ

Сув тошқини оқибатида батамом вайронага айланган Ленск шаҳри қайта қурилди. Бу ердаги тиклаш вакилларининг айтишича, мазкур чора 11 сентябрдаги террорчилик вақтини тўғри келтиришда қўл келади. (ЎЗА).

ДАЛИЛЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ

АҚШ ҳукумати Усома Бин Лодиннинг Нью-Йорк ва Вашингтондаги воеқаларга алоқадорлигини исботловчи далилларни қизиқатган давлатларга тақдим этишни бошлади. Бу иш учун босқичда олиб борилди. Даставвал АҚШнинг энг яқин иттифоқчилари — Канада, Англия ва Австралия ушбу маълумотларга эга бўлади. Иккинчи бўлиб НАТОга аъзо давлатлар далиллардан воқиф этилади. Энг сўнггида бошқа

ФИЛИППИДА ГРИПП ЭПИДЕМИЯСИ

Филиппин соғлиқни сақлаш вазирлиги тарқатган хабарга қараганда, мамлакатни қаттиқ грипп эпидемияси эгаллаб олган. Оқибатда мактаблар, ўқув юрталари ёпилган. Тиббий муассасаларга мурожаат этувчиларнинг эса кети кўринмапти. Аҳоли орасида ваҳима кучайпти. Мамлакат Президентининг матбуот қотиби телевидение орқали чиқиш қилиб, хавотирга ўрин йўқлигини, ҳукумат барча чора-тадбирларни кўражанини билдирган.

«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.



GERMANYNING БИРДАМЛИК БАЙРАМИ

3 октябр куни Германия Федератив Республикасининг миллий байрами - Германия бирдамлиги куни нишонланади. Шу муносабат билан мазкур мамлакатнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Мартин Хеккер оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув ўтказди. Кўпчилик икки Германия бирлашган кунни Берлин деворининг кулаши билан боғлайди, - дейди М.Хеккер. - Лекин аслида бирлашув 1990 йилнинг 3 октябр куни рўй берган. Айнан шу куни Фарб ва Шаркнинг бирлашиши тўғрисидаги ҳужжатга имзо чекилганди. Германия бирдамлиги куни миллий байрам сифатида 1991 йилдан буюн нишонлаб келинади. Бу йил немис халқи ўн биринчи марта шу санага қаршиламоқда. Тантаналарда немис халқининг азалий қўшнилари бўлмиш Польша ҳамда Франциядан ҳам кўп сонли меҳмонлар иштирок этади. Матбуот анжуманида Германия элчиси Ўзбекистон-Германия муносабатларига алоҳида тўхталиб ўтди. Унинг айтишича, Германия ҳукумати Ўзбекистоннинг террорчиликка қарши кураш бўйича умумдунёвий коалицияга қўшилганини тўла қўллаб-қувватламоқда. М.Хеккер икки ўртадаги иқтисодий ҳамкорлик масаласига тўхталар экан, бу борадаги алоқалар ҳам муттасил ривожланиб бораётганини таъкидлади. (ЎЗА).

Қонун барчага баробар

Амалдаги қонунлар асосида иш олиб бораётган Нишон тумани назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳудудий комиссияси бюджет маблағларининг қўлайлигига, солиқ қонунчилигининг мустақамланишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

ДАРОМАДДАН ЯШИРИБ ҚОЛИНГАН....

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида назорат органлари иштирокда 405 та корхона ва ташкилотларда текширишлар ўтказилиб, 116 тасида хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Айрим раҳбарларнинг ҳанузгача қонунларни яхши билмаслиги қимматга тушмоқда. Улар яшириб қолingan маблағлар учун қўшимча солиқ, молиявий жарима ва устамалар тўлашга мажбур бўлишаётир. Масалан, туман коммунал уй-жой бошқармаси собиқ бошлиғи Ч.Ҳамроев ва бош ҳисобчи Х.Қурбоновларнинг ҳисоботи Х.Қурбоновларнинг масъулиясизлиги туфайли даромадлардан 1 миллион 228 минг сўм яшириб қолинган. Ушбу ҳолатга нисбатан 100 фоизлик молиявий жарима қўлланилиб, икки раҳбар вазифасидан озод қилинди. Еки «Мерос» хусусий фирмаси бошлиғи Б.Хусенов кўра-била туриб корхонанинг 1 миллион 419 минг сўмлик даромадини ҳисоботдан яшириб кўрсатган. Айни пайтда бу ноқонуний ҳаракат билан ҳуқуқ тартибот органлари шуғулланмоқда. Талимаржон иссиқлик электр станцияси дирекциясида текшириш ўтказилганда, мол-мулк солиғидан 7 миллион 472 минг сўм камайтириб кўрсатилганлиги аниқланди. Станция директори И.Баситов ва бош ҳисобчи П.Эшпўлатовларнинг ҳар бири 24 минг 500 сўмдан мазмурий жаримага тортилдилар. Шунингдек, шу корхонанинг қурилиш бошқармаси бошлиғи ва бош ҳисобчиси ҳам қўшимча қиймат солиғини 736 минг сўмга камайтириб кўрсатганликлари натижасида жарима тўлайдиган бўлдилар. Туман санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан санитария талабларини бузганлиги раҳбардан 68 минг сўм ундириб олдди. Туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими, давлат ветеринария инспекцияси, энергия назорат ходимлари ҳам белгиланган режа асосида текширишлар ўтказиб қонун бузилиши ҳўлларининг олдини олдилар. Ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш ва уларга барча шароитларни яратиш бўлишига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси 160 та ҳўжалик юритувчи субъектларга текширишларни рўйхатга олиш китобини тарқатган. Ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, тадбиркорлар фаолиятига бўлар-бўлмаसा аралашши ҳолларига йўл қўйилмапти. Ҳудудий комиссия ҳузурида «Ишонч» телефони ишлаб турибди. ЁЛКИН.

ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИ ЭГАСИНИ ТОПДИ

(Боши 1-бетда).

Кураш бўйича жаҳон чемпиони Баҳром Авазов, Махтумқули Махмудов ва I жаҳон чемпионатининг бронза нишонлари соҳиби бразилиялик Александр Катсурагилар «Алпомиш» стадионини тўлдириб ўтирган ишқибозларнинг олқишлари остида мусобақа байрогини кўтаришга, гилам устида қизикари ва ҳаёвонли беллашувлар бошланди. Биринчи кун 66,81,90 ва 100 килограммгача вазндаги полвонлар ўртасида голиблар аниқланди. Энг энгил вазнда туркманстонлик полвон Раҳимов финалда Наманган вилоятилик Суҳроб Дўстовага рўпара келди. Ушбу баҳсда Суҳроб галаба қозонди. 81 килограммгача вазнда эса финалда Ал Хакимат-Термизий мусобақаларининг уч карра голиби қашқадарёлик полвон Исоқ Аҳмедов Самарқанд вакили Рустам Атоев билан бел олишди. Исоқнинг бой тажрибаси қўлиб, у тўртинчи бор голиблик нашидасини сурди. Шуниси эштиборга молики, оғирлиги 73 килограмм бўлишига қарамадан, ушбу вазнда катнашган бразилиялик Александр Катсураги учинчи совриндор бўлди. 90 килограммлар ўртасида эса кўтилганидек икки карра жаҳон чемпиони Баҳром Авазов финалда фарғоналик рақиб Зокир Хусанов устидан ишонarli галабага эришди.

100 килограммлар орасида ҳам кучли полвонлар кўп эди. Финалга энг муносиблар — самбо бўйича жаҳон, кураш бўйича Осиё чемпиони Шухрат Хўжаев (Бухоро вилояти) ва сурхондарёлик Давлат Чориевлар йўлланма олишди. Ушбу баҳсда галаба икки марта ёнбош усулини қўлаган Шухратга насиб этди. Шанба кун 73 килограммгача ва мутлақ вазндаги курашчилар ўртасида турнир голиблари аниқланди. 73 килограммлар ўртасида боши-



данок жаҳон чемпиони Махтумқули Махмудов ва бразилиялик Александр Катсураги ўз маҳоратлари билан ишқибозларни қўйил қолдирганлари ҳолда финалга чиқашди. Кўпчилик Махтумқулининг чаққонлиги-ю, кучли техник ма-

ҳоратига ишонган бўлса-да, ҳал қилувчи беллашувда фаол курашиб, иккита ёнбош усулини қўлаган Катсураги чиройли галабага эришди. Мутлақ вазндаги 24 курашчи орасида Ф.Очилов, М.Тошев, Э.Маҳмудов, А.Тангриев, Р.Эргашев, Б.Хўжаев каби дондор полвонлар билан бирга Б.Авазов, И.Аҳмедов, Ш.Хўжаев каби энгилроқ вазндаги курашчилар ҳам баҳслашди. Бу галам финалга кучлиларнинг кучлилари — ёшлар ўртасида Осиё чемпио-

ни, дзюдо бўйича Республиканинг уч карра голиби Абдулло Тангриев (Тошкент шаҳри шаҳрафини химоя қилди) ва кураш бўйича икки марта жаҳон чемпиони Баҳром Авазовлар чиқди. Ишқибозларни битта савол: «Абдуллонинг ёшлик жўшқинлиги ёхуд Баҳромнинг катта тажрибаси қўл келадими?» деган савол қизиқтирди. Мусобақа давомида ажайиб спорт формасида бўлган Абдулло тез орада рақибининг курагини ерга тегизи, ҳалол галабага эришганида, стадиога олқишлардан ларзага келди.

Миллий кураш

Барча голиб ва совриндорлар олтин, кумуш, бронза нишонлари, пул мукофотлари билан тақдирланди. Абдулло Тангриевга эса Президент соврини — «Нексия» автомашинасининг қалити топширилди.

Полвонларимизнинг танти бўлиши ҳаммамиз яхши биламиз. Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпиони Тоштемир Муҳаммадиев турнирда

энг чиройли баҳс намойиш этган бразилиялик Александр Катсураги шахсий совғаси — нортуяни топширган онлар халқаро мусобақаларнинг энг файзли ва фароҳбахш лаҳзаларига айланди.

Биз узоқ Жанубий Африка Республикасидан келган меҳмон — ХКА ҳакамлар ҳайъатининг раиси муҳтарам Сузетте хоним Везуденхаутдан ўз таассуротлари билан ўртоқлашишни илтимос қилдик.

— Ўзбекистонга илк бор ташрифим, — дейди Сузетте хоним. — Бу ерда курашга қизиқиш нақадар юқори эканлиги мени бағоят қувонтирди. Катнашчиларнинг маҳоратлари ҳам юқори даражада. Мен келгусида шу ажайиб юрт тарихи, маданияти, урф-одатлари-ю, тилини яхшилаб ўрганишга, ажайиб спорт тури бўлмиш курашни янада оммалаштиришга ҳаракат қиламан.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

«БИЕННАЛЕ — 2001»

Ўзбекистон Бадий академиясининг марказий кўрғазмалар залида «Биеннале — 2001» халқаро кўрғазмаси очилди. Унда замонавий санъат турларининг кенг қўламли услуб ва йўналишлари бўйича 20 та мамлакатдан ташриф бурган ижодкорларнинг долзарб санъат лойиҳалари, авангард ва аънавий рангтавир асарлари намойиш этилмоқда.

— Мустақиллик йилларида Ўзбекистон маданияти ва санъати янги йўналиш ва услублар билан бойиди, — деди Бадий академия бош илмий котиби, халқаро ҳайъат аъзоси Акбар Хакимов кўрғазмага бағишланган ўтказилган матбуот анжуманида.

— Ушбу кўрғазма нафақат хорижлик, балки мамлакатимиз рассомларининг юксак маҳоратини намойиш этиб, ижод эркинлиги, хурфикрлик, инсонпарварлик, маданиятлар муштараклиги, умуминсоний қадриятлар гоёларини тарғибли етади. Кўрғазма ширинининг «Санъат — инсонпарварлик ва бунёдкорлик тимсоли» деб номланиши ҳам беҳиж эмас. Жаҳонда юз бераётган воқеаларни эштиборга оладиган бўлса, мазкур кўрғазмада намойиш этилаётган асарлар ўз гоёси билан инсонларни ёвузликка қарши бирлаштириши мумкин.

А.Хакимовнинг маълум қилишича, иштирокчилар томонидан рангтавир, графика, ҳайкалтарошлик, шунингдек янги лойиҳалар, яъни инсталляция, перформанс, инвайромент ва бошқа шу сингари услубда бажарилган асарлар тақдим этилган. Этакчи санъат арбоблари ва танқидчилардан иборат халқаро ҳайъат 5 октябр кун энг муносиб ижодкорга кўрғазма «Гран-при»сини, турли номинациялар бўйича эса ҳомилярнинг совринлари ва пул мукофотларини топширади.

Экспозиция доирасида ЎзБА Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида «Замонавий бадий жаҳон — доллар муаммолар ва йўналишлар» мавзuida илмий-амалий анжуман ўтказилади. Мунозараларда санъатшунослар, танқидчилар, оммавий ахборот воеиталари вакиллари, АКШ, Франция, Япония, Жанубий Корея, Миср, Швейцария, Германия, Эстония, Грузия ва бошқа мамлакатлардан ташриф бурган ижодкорлар иштирок этади.

Кўрғазма дастуридан турли ижодий учрашувлар, ўзбекистонлик рассомлар устоналари, музей ва театрларга ташрифлар урин олган бўлиб, Самарқанд шахрига саёҳат ҳам уюштирилади.

«Туркистон-пресс»

ЎЙНАСА БЎЛАРКАН-КУ!

Ва лекин, дуранг — галаба эмас-да...

Жаҳон чемпионати саралаш ўйинларининг иккинчи босқичида катнашши ҳуқуқини қўлга киритган терма жамоалар курашини давом эттириш учун икки гуруҳга бўлинган дастлабки кунлар, оқини, ўзбекистонлик футбол мухлислари қувончининг чеки йўқ эди. Мана бугун эса...

Оммавий ахборот воеиталаридаги тантанавор оҳангнинг чамаси ўшанда фақат бир одам, у ҳам бўлса, терма жамоамиз тақдири ишонли топширилган Владимир Сальковгина маъқулламагандек, бир неча бор ортиқча қувонмасликка чақирган, голиблик шоҳсупаси осонликча забт этилмаслигидан огоҳ этган эди. Бугун қарасак, чиндан ҳам у ҳақ экан. Бош мураббийнинг айтгани бўлди. Хатто рақибларни ҳам ҳайратга солиб, Ўзбекистон терма командаси учун қандайдир умид учкунларини уйғотувчи иккинчи ўрин ҳам насиб этиши гумон бўлиб турибди.

Ана, «ҳақиқий» мутахассис! Биз эса уни устамонлик қилаяпти, муддатидан илгари сирини очиб қўймастик учун найранг кўрсатаяпти, деб ўтирибмиз. Нима бўлганда ҳам бу «ўйин»да у ютиб чиқди — айнан ўзи башорат қилгандек бўлди ҳаммаси. Мана бун «режалаштириш» деса бўлади!..

Аслида қовуннинг каттаси Абу-Дабида тушган эди. Аммо биз сабр қилдик. Иккинчи қовундан Шеньянда айрилдик. Яна сабр қилдик. Вариетлар ҳали имкониятларимиз борлигидан сузлаётгандек туюлди. Бунинг учун Тошкентда Бирлашган араб амирликларидан биринчи даврадаги аламни олиш, бу ёғига отни камчилашгана даркор эди. Афсус, бемаза қовуннинг уруғи қўп бўлади, деганларича бор экан. Яна отимиз қоқилди. Лекин биз умидсизликка тушмадик. Қўлбола, бошқача қилиб айтганда, бир ёқлама ҳисобитоблар ҳамон юлдузимиз ўчмаганигини кўрсатмоқда эди. Ва биз футбол делегациясини Форс кўрғазмининг жазирама қирғоқларига ишонч билан кутатиб қўйдик.

билан алмаштиришни маъқул қўрди. Ва сал ўтмай... майдонда аҳвол ўзгарди. Қосимов билан андормон бўлиб тинкиса куриган рақиб футболчиларига жон кирди. Қарабсизки, қўз ўнгимизда ташаббус яна қатарликлар томонига ўтди...

Тўғри, футболда ҳамма нарса юз бериши мумкин. Лекин нега энди бундан фақат бизнинг жамоа жабр кўриши керак? Барча иллат футболчиларга ўз ҳукмини ўтказаятган мутасаддилар, хусусан, унинг бош мураббийи В.Сальковда эмасмикан? Ахир бу ўйинлар шунчаки учрашувлар эмаслигини ёш бола ҳам яхши билади-ку! Ҳўш, энди у бу гал нимани баҳона қилади. Яна футболчиларимизнинг жисмонан тайёр эмаслиги-ю, 15-20 дақиқадан ортиқ ўйнай олмасликлариними? Ахир йигитлар 90 дақиқа астойдил елиб-югурганликларини барчамиз қўрди-ку!

Аслида биз ҳам янглишган эдик. Биринчи учрашув — Қатар ва Уммон ўртасида кечган баҳсни томоша қилиб, уларни гуруҳдаги энг кучсиз жамоалар деб баҳо берганимиз ёдимиздан кўтарилгани йўқ. Мана бугун ўша жамоалардан қўйиш даражасида ҳаракат қилаётган жамоанинг кутилмаганда ўз дарвозасидан тўп ўтказиб юбориши таажубланарли ҳолдир. Лекин жиддийроқ ўйласак, яна мураббийлар қўпол хатога йўл қўйганлигига амин бўламиз.

Гал шундаки, Миржалол Қосимовдан бугунги кунда чўчимайдиган жамоа йўқ ҳисоби. Ушбу учрашувда ҳам сардоримиз теварагида доим бир, кези келганда икки-уч ўйинчи оворай сарсон бўлса-да, ба-риб у ўз сузини айтди. Биринчи бўлим охирида ҳисобни тенглаштириб, ҳужумкор тактика учун замин яратди. Ҳаммаси яхши кетаётган эди. Билмадик, негадир Сальков жамоа сардорини Ақопянд

«КИЧИК ҲАЖМДАГИ БЕГАРАЗ ЁРДАМ»

Тошкентдаги 257-мактаб педагогик жамоаси «Кичик ҳажмдаги бегараз ёрдам» лойиҳаси ҳамкорлиги асосида иш қўрмоқда. Япония мамлакатининг мазкур лойиҳаси бўйича билим ўноқлари замонавий ўқув жиҳозлари билан ҳам таъминланмоқда. Юқориди тилга олинган мактаб эса бу нуфузли лойиҳа тўғрисида 79 минг доллар миқдоридидаги бегараз ёрдам маблағига эга бўлди.

Шаҳримиздаги 191-мактаб эса «Мактабга бегараз ёрдам» лойиҳаси бўйича 78 минг доллар пулни қўлга киритди.

«Мактаб жиҳозларини сотиб олиш» лойиҳаси бўйича 60 минг доллар ажратилди.

КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИГИ КУНИ

Ўқувчи ёшларда шифокорлик касбига меҳр уйғотиб келаётган бу академик лицей очилганига беш йилдан ошди. Иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институти ҳузурда фаолият кўрсатаётган мактур ўқув даргоҳида кимё, биология фанларини ўқитишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Бундан ташқари, лицейда тилларни ўқитиш ҳам кенг йўлга қўйилган. Инглиз тилида ташкил этилаётган ўқув машғулотларига ўқувчилар катта қизиқиш билан қарашмоқда.

Янги ўқув йилидан кимё, биология, физика, она тили фанлари билан компьютер уйғунлигига эътибор янада кучайди. Ҳафтаининг пайшанба кунда ўқувчилар бу фанлардан компьютер контрол ишини топшириб, «ақл»ли машиналар билан қандай «тиллашаётган»ликларини намойиш қилишмоқда.

Лицей ўқув машғулотлари учун тиббиёт институтида барча шaroитлар муҳайё қилинмоқда. Янги йўлга қўйилган «Тиббиёт асослари» ўқув курси машғулотлари асосан олий ўқув юрти негизида уюштирилмоқда.

Ақбар АЛИЕВ

Ифтихор

ЎҚУВЧИЛАР — ТАНЛОВ ГОЛИБИ

Ёш мусавирларнинг мамлакатимизда ўтказилган Япония маданияти кунлари доирасида ташкил этилган «Ўзбекистон келажиги» ва «Япония - менинг тасаввуримда» мавзuida танлови низоҳасига етди.

Танловга тақдим этилган мамлакатимиз умумтаълим мактаблари ўқувчилари ижодига мансуб бир юз ўттизга яқин тасвирий асарда, жумладан, улғайиб келаётган ёш авлоднинг она Ватанимиз ўтмиши, бугуни ва буюк берганимиз ёдимиздан кўтарилгани йўқ. Мана бугун ўша жамоалардан бири — Қатар биз орзу қилган Хитой деворидан ошиб ўтишга азму қарор қилиб турибди. Бунинг учун арабларда имконият етарли. Биз эса... Балки иккинчи ўрин насиб этиб қолар. Лекин бизга бугун бошқа бир туйғу тинчлик бермаёттир. Жаҳон чемпионатида йўлланмага эга бўлинадими-йўқми, ҳозир энг муҳими, юрт шаъни, унинг обрўси. Бунинг учун ҳар қанча тер тўкса арзийди. Айнан шу боис қолган икки учрашувда Уммон ва Хитой терма командалари устидан галаба қозониш ҳам қарз, ҳам фарздор.

Жаҳон чемпионати эса қочиб кетмайди.

Зайниддин РИХСИЕВ



Дўппи тикдим, ипаклари тиллодан...

ОҚОСТОНА — МУҚАДДАС ЖОЙ

Сурхондарёда 18 та тарихий, 360 дан зиёд археологик ёдгорликлар рўйхатга олинган. Узун туманининг «Сарҳаракат» ширкат хўжа-ли ҳудудига жойлашган Оқостона зиёратгоҳи ўзининг меъморий қурилиши жозибаси билан ҳар қандай киши эътиборини ўзига тортади.

IX-X асрда қурилган деб тахмин қилинаётган ушбу мақбарда ким дафн қилинган деган саволга мамлакатимиз қадимшунослари олиб боришаётган илмий изланишлар, қазималар, тадқиқотлар яқин вақтида жавоб берад. Нима бўлганда ҳам уларнинг хулосаларига кўра Оқостона муқаддас жой ва жаҳон ёдгорликлари қаторида эътироф этилиши керак.

Республика Маданият вазирилик тарихий ёдгорликлар илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси, Самарқанд вилояти тарихий ва маданий ёдгорликларни сақлаш давлат назорат инспекцияси, ЮНЕСКО қошидаги «Smi-Asia» компанияси раҳбар ва мутахассислари ҳам Оқостона ёдгорлигида бўлган чоғларида шундай хулосага келишди. Туман ҳокимлиги билан келишилган шартномага кўра яқинда бу ерда 35 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бошлаб юборилади.

Мақбаранинг таъмирланишига республикамизнинг қадимий Хива, Бухоро, Самарқанд шаҳарларидан энг моҳир усталар чақирилади. Саёҳатга келувчилар учун Оқостонада меҳмонхона, ошхона қурилади.

«В» гуруҳидаги бугунги вазият

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. Хитой	5	4	1	0	9-1	13
2. Қатар	6	2	3	1	9-5	9
3. Ўзбекистон	6	2	1	3	10-10	7
4. БАА	6	2	1	3	6-8	7
5. Уммон	5	0	2	3	1-11	2

ISHONCH

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлими 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.30

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Наир курсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.